

YOSHLAR OVOZI

Biz ~ kelajak bunyodkorimiz!

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев АҚШнинг Президентини Дональд Трампнинг тақдирини буюриши билан 15-17 май кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

16 май куни Оқ уй қароргоҳида давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Музокараларда Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарларининг «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши» деб номланган Қўшма баёноти қабул қилинди. Турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустақамлашга қаратилган ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Жумладан, энергетика, икки томонлама савдо муносабатларини кенгайтириш, олий таълим ва академик тадқиқотлар, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлик бўйича аҳдлашув протоколлари қабул қилинди. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда 2018 йилда Тошкентда Марказий Осиё

савдо форумини ўтказишда ҳамкорлик тўғрисидаги аниқлашув меморандумлари имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасида қўшма лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида меморандум қабул қилинди.

Бу келишувлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг тарихий аҳамиятга молик янги даврини бошлаб бериши шубҳасиз. Ўзбекистон делегациясининг АҚШга ташрифи муносабати билан «Виллард интерконтинентал» меҳмонхонасида ташкил этилган қабул маросимида Шавкат Мирзиёев Дональд Трамп билан мулоқот ўзаро ишонч ва ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида ўтганини алоҳида таъкидлади. «Биз бу тарихий ташрифни кейинги икки йилда нисди қўрилмаган суръатлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлигининг манғийқий давоми, деб биламиз. Гарчи мамлакатларимиз географик нуқтаи назардан бир-биридан олис бўлса-да, меҳнатсеварлик, бағрикенглик ва ватанпарварлик каби қадриятлар халқларимизни бирлаштириб туради», деди давлатимиз раҳбари.

(Давоми 2-саҳифада)

ПРЕЗИДЕНТ ДОНАЛД ТРАМПНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА РАСМИЙ ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА МУРОЖААТИ

ОҚ УЙ
ВАШИНГТОН
2018 йил 16 май

Бугунги оқшома Президент Шавкат Мирзиёев ва унинг рафиқаси Зироатхон Мирзиёева мезбонлик қилаётган қабул маросими иштирокчиларига ўз саломларини йўллайман.

Америка халқи номидан Президент Мирзиёевга Оқ уйга тарихий ташрифи учун миннатдорлик билдираман. Марказий Осиёда анчайин мураккаб вазият юзага келаётган, ҳамкорлик учун янги имкониятлар пайдо бўлаётган бир пайтда бугунги мулоқотимиз стратегик шериклигимизни янгилашга ёрдам бериши. Минтақадаги таъминот йўллари қўллаб-қувватлаш ва Афғонистон билан алоқаларни яхшилашга хизмат қилаётган иқтисодий лойиҳаларни сармоялаш борасидаги савий-ҳаракатлар учун Президент Мирзиёевга ҳурмат-эҳтиромимни изҳор қиламан.

Президент Мирзиёев мени ишонтириб таъкидладики, Ўзбекистонда ишлаб

чиқилган ислохотлар дастури бардавом ва муқаррардир. Аминманки, Президентнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратаётган эътибори халқ ҳаётини янада обод ва фаровон бўлишига хизмат қилади. Биз биргаликдаги савий-ҳаракатларимиз билан Ўзбекистонда ҳисобдорлик ва шаффофлик масалалари янада яхшиланишига эриша оламиз. Бу эса Америка компанияларининг фаолияти учун мустақам замин ҳозирлаб, мамлакатларимизда бандлик даражасини оширишга ёрдам беради.

Мелания ва мен Президент Мирзиёев ва Биринчи хоним Зироатхон Мирзиёевага Америка Қўшма Штатларида унутилмас ташрифи учун чин дилдан миннатдорлик билдираман. Ишонманки, сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилган ҳамкорлигимиз икки мамлакат порлоқ келажакнинг муқаддимаси, холос.

ЎЗА

ТОШКЕНТГА УЧИНЧИ "ОРЗУ ЛАЙНЕРИ" КЕЛДИ



«Тошкент» халқаро аэропортига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан харид қилинган учинчи «Boeing-787 Dreamliner» самолёти келиб қўнди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида ташрифи чоғида ҳамроҳлик қилган мамлакатимиз делегацияси аъзолари «Орзу лайнери»нинг илк йўловчилари бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Вашингтондан қайтиб, Тошкент халқаро аэропортида янги Боинг-787 самолётини куздан кечирди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбариятига хорижий мамлакатларга қатновлар сони ва сифатини ошириш, бунинг учун энг замонавий самолётлар ва технологиялардан фойдаланиш зарурлиги юзасидан тегишли тавсиялар беради. Самолётни Ўзбекистонга миллий авиакомпаниямиз экипажи – бош учувчи-йўриқчи Иосиф Зак, учувчилар отряди командири ўринбосари Шаҳзод Икромов ва иккинчи учувчи Олимжон Узоқов бошқариб келди.

Миллий авиакомпаниямизнинг ушбу рўсулмаги учинчи авиалайнери аввалги иккита «Boeing-787-8 Dreamliner»дан йўловчи ўриндиқларининг сони кўпчилиги ва экипаж дами олиши учун алоҳида бўлинма ташкил этилгани билан фарқланади. Самолётда 24 бизнес ва 246 иқтисодий классли жами 270 ўриндиқ бор. Мутахассислар таъкидлашчи, ушбу замонавий ҳаво лайнери улуғсиз 16 соат парвоз қила олади.

Лайнерга бошқа «Boeing-787 Dreamliner» ҳаво кемаларидаги каби ёниги тежаш самарадорлигини ошириш, шовқин даражасини пасайтириш ва атмосферага захарли газ ажралиб чиқишини камайтириш имконини берувчи двигателлар ўрнатилган. Унинг замонавий кенг ўриндиқлар, янгича ёритиш ва шовқин ўтказмайдиган тизимлар, пол қопламалари ҳамда ҳар бир йўловчи учун мўлжалланган индивидуал кўнгли-очар дастури мониторинг билан жиҳозлангани йўловчиларга парвозни юқори даражада қўлайликка, мароқчи ўтказиш имконини беради.

(Давоми 2-саҳифада)

ESHITDINGIZMI?

Ҳарбийларнинг фарзандлари БЕПУЛ ўқийди



Бундай имтиёз янги ўқув йилидан амал қила бошлайди. Офицерлар, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарларнинг фарзандлари учун олий таълим муассасаларида умумий квотадан ташқари қўшимча ўринларни ажратиш қўзда тутилган.

БОЛАЛАР ПАРАДИ ўтказилади



Ушбу воқеа 19 май куни Шахрисабз туманидаги «Лочин» соғломлаштириш оромгоҳида старт олаётган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва «Камалак» болалар ташкилоти сардорларининг навбатдаги анжумани доирасида рўй бериши кутилмоқда. Тадбирда турли ҳуудлардан 800 нафар делегат, шунингдек, 5 минг нафардан ортиқ «Камалак» болалар ташкилоти сардорларининг навбатдаги анжумани доирасида рўй бериши кутилмоқда.

Ушбу воқеа 19 май куни Шахрисабз туманидаги «Лочин» соғломлаштириш оромгоҳида старт олаётган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва «Камалак» болалар ташкилоти сардорларининг навбатдаги анжумани доирасида рўй бериши кутилмоқда.

Давлатлар ЖАРИМА ТўЛАЙДИ



Еврокомиссия ҳавонинг ифлосланиш даражасини белгиланган меъердан оширгани учун Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Венгрия ва Руминияни судга беради. Энди уларни катта миқдорда жарима кутмоқда.

Ўз ахборотимиз.

MUNOSABAT

ЗАМОНАМИЗ БЕРУНИЙЛАРИ КАМОЛ ТОПАЖАК

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида «Ўқиб дунё олиб берармиан», деган ибора тез-тез қўлоққа чалинарди. Бу бежиз эмасди. Негаки, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ўттиш даврида олий маълумотли кадрларнинг аксариятига иш топилмади, маош масаласи ҳам кишини уйлантириб қўярди. Одамларда талбиркорлик бир нарсани арзон олиб, қимматга сотиш, деган тасаввур пайдо бўлди.

Шу боис кўпчилик осон пул топиш йўлини ахтара бошлади. Қанчадан-қанча ўқитувчи, тиббиётчилар ва бошқа соҳа вакиллари ўзини бозорга ўрди. Ойла, рўзғор ташвиши деган ваз-баҳоналар билан ўзини оқларди-ю, аммо, аслида мақсад машаққатли илм йўлидан кура, тезроқ боийш эди. Шу йўсин одамлар орасида ўқишга нисбатан муносабат салбий тус олди. Маънавият ва мафқурага, хусусан, ёшларнинг билими бўлишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганига парво қилмади. Юксак маънавиятнинг ростида ҳам энгилмас куч эканини тўла англаб етмади. Натижада ёшлар китобдан узоқлашди. Мазкур тенденция оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзусига айланган.

Муҳокама қизғин тус олди. Чинакам зиёлилар жон койишти. Аммо талбиркорлик тужорорликдан иборат эмаслигини ҳамма ҳам фаҳмламасди. Ана шу тонфадаги одамларнинг китобга бўлган муносабати яқинларига ҳам юкди. Оқибат, келажакимизга хатар тўғридаётган бир қатор муаммолар юзага чиқди. Олис ҳуудларда мутахассис етишмаслиги, айниқса, тиббиёт ва таълимда малакали кадрлар камлиги ҳам уша «дунёқарашимиз» самараси бўлди. Китобдан узоқлашиб кимўзарга тўй қилиш,

ўзини ўзи қўз-қўз этиш каби иллатларга дучор бўлидик. Бу борада туб ислохот ўтказиш эҳтиёжи туғилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев илм-фан вакиллари ҳамда ижодкор зиёлилар билан учрашди. Ютуқ ва камчиликлар бирма-бир тилга олинди. Соҳа вакиллари қийнаётган муаммолар билан қизиқиб, тақлиф ва истакларини тинглади. Шундан сўнг халқимиз маънавий ҳаётда янги давр бошланди. Тарихий аҳамиятга эга қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказилган «Еш китобхон» танлови бу ишларнинг амалий намунаси бўлди. Ушбу танловда турли ҳуудлардан 250 минг нафарга яқин еш иштирок этгани барчаимиз бирдек қувонтирди. Халқимизнинг мана шундай китобсевар фарзандлари борлигидан фахрландик. Қолаверса, китобга бўлган муносабат ҳам кескин ўзгарди. Ҳамон эскича қарашдан қўтила олмай юрганлар ҳам мутлолаа ютуқлар дебочаси эканини англади.

Жамиятимизда илм ўрганишга қизиқиш янада ортди. Президентимизнинг жорий йил 12 май куни «Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори «Еш китобхон» танловининг нуфузи ва аҳамиятини мустақамлади. Қарорда танловни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқиш, уни ташкил этиш ва ўтказиш учун маълум ташкилот ва давлат идоралари курсатилиб, аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, лойиҳанинг ҳар жиҳатдан самарадорлигини таъминлайди, албатта.

Ҳужжатда қайд этилишича, буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг меросини чуқур ўрганиш

мақсадида алоҳида номиниациялар бўйича танловлар ташкил этилади. Хусусан, 2018 йилги танловларни Ватанимиз тарихи ва халқимизнинг маънавий ҳаётини бекиёс ўрин тутадиган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Оғаҳий, Бераққ сингари буюк мутафаккирларимиз ижоди ва фаолияти бўйича ўтказиш мақсад қилинган. Демак, унда иштирок этишни истаган йилги-қизлар юқорида номи тилга олинган алломаларимиз ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиши керак бўлади.

Яна бир аҳамиятли жиҳат — илк бор ўтказилган «Еш китобхон» танлови баҳонасида адабиётини яхши биладиган ёшларимизни кашф этдик. Эндиги танлов Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Беруний каби мутафаккирларимиз асарларини ўрганиш, уларга чинакам издош бўлиш истагини уйғотишга хизмат қилади.

Соҳибқирон бобомиз бунёд этган улкан мамлакатда ёшларда инсоний туйғуларни тарбиялашга бирламчи эътибор қаратган. Мадрасалар бунёд этилиб, илму санъат, маданият аҳли, ҳунармандлар зъозланди. Бу ишлар вақт ўтиши билан самара беради. Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Мирзо Улуғбек каби кўплаб алломалар етишиб чиқди. Бир ҳисобдан уларни Темур бобомиз сабаб қўз очган маънавият сарчашмалари, десак муболага бўлмас. Ҳудди шу каби бугунги ислохот ва ўзгаришлар кўп ўтмай ўз мевасини беришига ишонимиз. Мана курсиз, йиллар ўтиб ўзбек замининда Навоий ва Берунийлар камол топади.

Боборован
ҲОЗИДИНОВ

XUSHXABAR

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Москва шаҳрида Меҳрибонлиқ уйи тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатидан вакилларимиз кубок билан қайтиб келди. Футболчиларимиз

тасаддилари, чемпионларнинг мураббий ва тарбиячилари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ўзбекистонлик ёшлар мазкур турнирда илк марта ба широк эътишга қарамай, ишончли уйин курсатиб финалда Покистон терма жамоасини пеналтилар сериясида мағлубиятга учратди. — Мусобақа кўтаринки руҳда ўтди, — дейди терма жамоамиз ҳужумчиси Салим Сон. — Айниқса, финалда жуда ҳаяжонландик. Аммо мураббийлар курсатмасидан четга чиқмадик. Асосий вақтда 1:1 ҳисобида дуранг натижа қайд этган бўлса-да, якунда омад барибир бизга қулиб боқди.

Ақбаржон АБДУРАИМОВ

Ислмо Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди. Тадбирда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон футбол ассоциацияси му-

ANJUMAN

ЖИНОЯТЧИЛИК 40 ФОИЗГА КАМАЙДИ

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги, шаксиз, давлат ва жамият равнақига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз жорий йилнинг 2 февраль куни «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига имзо чекканди. Кўни кеча олий келувчи омиларнинг турмуш шартини яшаётган аёлларга қўмақлаш шартини омилардаги

муҳитни барқарорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Қайд этиш керак, жорий йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 40 фоизга камайган. Эрта никоҳ масаласида ҳам вазият ижобий томонга ўзгармоқда. Масалан, йил бошидан Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сирдарё ҳамда Хоразм вилоятларида бундай ҳолат умуман қайд этилмаган. Анжуман давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

Тадбирда хотин-қизлар ҳамда нотинч омилардаги

Тўмарис АЪЗАМ

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон тарихи ва маданиятини чуқур ўрганиб, бутун дунёда кенг тарғиб этаётган Фредерик Старр ва бошқа америкалик олимларга ташаккур изҳор этди.

Тадбирда ўзбек мақом санъатини ривожлантириш, ҳаққимизнинг бой маданияти меросини дунёда тарғиб этишга қўшган ҳиссаси учун мақом ансамблининг солиқ хонандаси Изро Малаковга Ўзбекистон Республикаси ҳаққ артисти унвони берилгани эълон қилинди. Изро Малаков бундай юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ташрифнинг учинчи куни ҳам учрашув, музокара ва тадбирларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифи икки мамлакат манфаатларига хизмат қилиши айтилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат маҳкамалари алоқаларини

фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Пентагонда АҚШ мудофаа вазири Джеймс Мэттис билан музокара олиб борди.

Президентимиз ташқи сиёсатидаги очиқлик ва яхши кўшничилик принципларига асосланиб, Ватанимиз суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизнинг янги Мудофаа доктринаси қабул қилинган, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тўдан қайта кўриб чиқилиб, ҳарбий билим юрталари ислоҳ қилинганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон бу соҳада Америка Қўшма Штатлари билан тажриба алмашиш, ҳарбий, ҳарбий-техникавий, мудофаа ва хавфсизлик йўналишларида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор, деди Шавкат Мирзиёев.

АҚШ мудофаа вазири Ўзбекистон минтақادا муҳим геостратегик аҳамиятга эга давлат эканини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг очиқ ва конструктив ташқи сиёсати натижасида Марказий Осиёда яхши

кўшничилик муҳити яратилди. Афғонистон Президенти Ашраф Ғани билан мулоқотларингиз, Афғонистон ишлари бўйича махсус вакил тайинлаганингиз муҳим аҳамиятга эга. Расмий ташрифингиз доирасида қабул қилинган беш йилга мўлжалланган ҳарбий ҳамкорлик режаси минтақادا тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деди Джеймс Мэттис.

Учрашувда мудофаа ва хавфсизлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик соҳаларидаги муносабатларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Капитолида АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келли бошчилигидаги конгрессменлар билан учрашди. Мулоқотда икки мамлакат ўртасида ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган муносабатлар қарор топгани қайда айтилди. Парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз парламент ва ҳукумат даражасидаги икки томонлама ташрифлар фаоллашгани сиёсий, ижтимоий-иқтисодий

соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Сенати Раиси ўринбосари, молия буйича қўмитаси раиси Оррин Хэтч бошчилигидаги сенаторлар билан мулоқот қилди. Суҳбатда парламентлараро алоқалар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи дастуридан ўрин олган мазкур учрашув стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайда айтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу куни Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари узоқ йиллардан буён Жаҳон банкида ишлаётган юртдошларимиз билан кўришди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан мазкур банк ўртасидаги ҳамкорлик энергетика, ирригация ва коммунал тармоқларни модернизация қилиш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини қамраб олган. 2020 йилгача ҳамкорлик бўйича қўш-

ма дастурга 27 та муҳим лойиҳа киритилган. Уларнинг умумий қиймати 4 миллиард доллардан иборат бўлиб, унинг 3 миллиард доллари Жаҳон банки кредитлари равишда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилатган йирик иқтисодий лойиҳаларда Жаҳон банки билан ҳамкорлик юксак самара бераётганини қайда айтиди. Ўзбекистон Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Учрашувда истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилиб, амалий алоқаларни янада кенгайтириш бўйича аниқ тақдирлар билдирилди. Боғдорчиликни ривожлантириш, шошилиқ тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, саноат корхоналарининг энергия тежамкорлигини ошириш, иситиш тармоқларини модернизация қилиш, молиявий консультатив хизмат курсатиш каби соҳаларга оид битимлар имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифи якунига етди. Ўзаро муносабатлардаги тарихий воқеа бўлган ушбу ташриф ҳамкорликни янги поғонага кўтариши шубҳасиз.

Абу Бакр ҲОЗОВ,
ЎЗА мухбири.
Тошкент – Вашингтон – Тошкент.

ТОШКЕНТГА УЧИНЧИ “ОРЗУ ЛАЙНЕРИ” КЕЛДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

“Ўзбекистон ҳаво йўллари”дан маълум қилинганларича, кўни кеча Вашингтон шаҳрида миллий авиакомпания билан АҚШнинг “Боинг” компанияси ўртасида битим имзоланган. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси парки 2020 йилга қадар ушбу русумдаги 6 та самолётга эга бўлади.

Миллий авиакомпания мутахассисларининг юқори тайёргарлик даражаси тўғрисида маълум қилинган бўлиб, “Boeing-787 Dreamliner” самолётлари 100 фоизлик ишончлиги таъминланган.

– Янги “Dreamliner” авиакомпаниянинг парвозлар жадвалига киритилган бўлиб, узоқ масофаларга қатновларни амалга оширади. Унда парвоз қилиш жуда қулай ва хавфсиз, – дейди “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси учувчилар отряди командири ўринбосари Шаҳзод Икромов. – Янги

самолётни муваффақиятли бошқариб келдик. Нью-Йоркка янги қатновларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Бу самолётлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси «Dreamliner»ларнинг тижорат эксплуатациясини 2016 йилда бошлаган. 2017 йилнинг 27 июлида эса миллий авиакомпаниямиз тарихида биринчи марта ушбу русумдаги самолётда Тошкентдан Нью-Йоркка ilk узлуксиз парвоз амалга оширилди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг замонавий ва қулай авиалайнерларга Европа ва Осиенинг 40 дан ортиқ шаҳарларига парвоз қилмоқда ҳамда Аляскадан Янги Зеландиягача чартер қатновларни бажармоқда.

Улуғбек АСРОПОВ,
ЎЗА мухбири

YOSHLARGA OID DAVLAR SIYOSATI — AMALDA NAMUNA GA AYLANAËTGAN TUMAN

Анваржон ҒАЙРАТОВ,
Ғайрат ЭШМАТОВ

Аввал хабар қилганимиздек, Норини ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида намунага айлантириш мақсадида ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев раҳбарлигидаги республика ишчи гуруҳи фаолият олиб бормоқда.



туманида бу борада анча муаммолар туғилгани қўлганлиги. — Ёшларнинг фикри, истакларига қўлқў тутдиқ, — таъкидлади Қаҳрамон Қуранбаев. — Ҳақиқатан ҳам натижасида ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, салооматлигини мустаҳкамлаш мақсадида 57 маҳалларнинг ҳар бирида Ёшлар иттифонининг спорт майдончаларини бунёд этишга киришдик.

“ЁШЛАР МАТБУОТИ” — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилатган ишлардан ўқувчилар хабардорлигини ошириш мақсадида Иттифонинг фаол аъзолари бошнинг бириктери, “Ёшлар почтаси” тармоғини яюга қўйди. Ташкилот томонидан лойиҳа ташаббускорларига ўн та велосипед ажратилган. Улар уюшмаган ёшлар хонадонла-

рига “Ёшлар овози” ва “Халқ сўзи” газеталари, “Дугоналар” ва “Ёш куч” журналларини бепул тарқатмоқда. Туманда тўртта “Ёшлар матбуоти” дуқони ҳам очилди. Улар доимий равишда даврий нашрлар ва бадиий китоблар билан таъминлаб борилади.

БОЛАЛАРНИНГ ОРЗУСИ АМАЛГА ОШДИ

Норин туманидаги 2-умумтаълим мактабининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Таълим маскани уч йил давомида тўлиқ таъмирланиб, буткул янги қиёфа касб этди. Энди бу ерда-

ги шароитлардан наинки ўқувчи-ёшлар, балки барча норинликлар бирдай мамнун. Мактабда ўқувчиларнинг илм олиши учун барча қулайликлар, жумладан, замон талаблари асосида жиҳозланган синфхона ва ўқув-лабораториялари, спорт майдони, лингвон хоналари мавжуд. Мактабнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этган ёшлар етакчиси сардорларга ноутбук, рангли принтер, планшет ва мобил телефонлар совға қилди. Бундай эътибордан шонланган болалар эндиликда чемпион бўлишдан айнан Нориндан етишиб чиқишини айтди.

BELLASHUV

Жаҳонгир РАҲМАТОВ

Самарқанддаги Ҳарбийлар шаҳарчасида “Темурбеклар” ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ўн тўрт ҳудуддан сараланган жамоалар ўзаро баҳс олиб борди.



САФ ҚУШИҚЛАРИДАН

Эслаб ўтамиз, лойиҳа умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари учун ишлаб чиқилган. Мусобақа аввалида иштирокчилар ҳарбий саф қушиқларини мароқ билан ижро этди. Сунгра уларнинг мерганлик, тўсиқлардан ошиб югуриш, жабрланувчига биринчи ёрдам курсатиш, миналаштирилган ҳудудда ҳаракатланиш, махфий пароллар билан ишлаш



МАХФИЙ ПАРОЛЛАРГАЧА



бобидаги маҳорати синон-дан ўтказилди. Шунингдек, ёшлар юртимизда таъсис этилган ҳарбий унвонлар ва лавозимлар, Давлат рамзларига доир саволларга жавоб берди.

Ҳар бир шартни Марказий ҳарбий округ ҳамда Ёшлар иттифонининг ҳудудий кенгаши мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати хулоса қўймоқда.

Яқуний ҳолсизларга қўра, Оқдарё туманидаги 45-умумтаълим мактабининг “Қалқон” жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Кейинги фахрли уринлар пахтачи ва тайлоқлик ўқувчиларга nasib этди. Ғойибларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

DOLZARB MAVZU

Нозима НУРАЛИЕВА

ИЛДИЗИ ЧУҚУР, ЕЧИМИ МУРАККАБ



“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази жорий йилининг дастлабки юз кунлигидаги фаолиятини сарҳисоб қилиб, галдаги режалари хусусида жамоатчиликни хабардор этди. Шу муносабат билан “Пойтахт” бизнес марказида матбуот анжумани ташкил қилинди.

“Оила” маркази оилалар билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этиш, сабабларини ўрганиш ва таҳлил этиш, ечимни юзасидан тақдирлар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Мазкур фаолиятни янада самарали олиб бориш мақсадида жорий йилда ilk бор ҳориклик ва юртимиз олимлари, суд-ҳуқуқ, таълим тизимлари ва бир қанча жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида йирик анжуман ташкил этилганлиги. Мухтоамалар натижасида “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш” концепциясининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳужжатни тез

фурсатда қабул қилиш кўзда тутилган. Тадбирда ажримлар масаласига алоҳида ўрғ берилди. Қайда этиш керак, ҳозирда Сирдарё вилоятида курсаткич анча юқори. Шу мақсадда марказ илмий ходимлари вилоятнинг тўрт шаҳри ва етти та туманида хонадонма-хонадон юриб, оилаларнинг турмуш шартини, муаммоларини батафсил ўрганди. — Натижада, моддий етишмовчилик, ўзаро ишонч ва масъулиятнинг йўқлиги, фарзандсизлик, икки ёш муносабатларига ота-оналарнинг ноўрин аралашуви ажримга олиб келувчи асосий сабаблар эканини аниқладик, —

дейди “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази бўлими бошлиғи Шўхрат Дехқонов. — Шу босиб биринчи навбатда, оила қуриш оstonасида турган ёшларга оила маданияти, эр-хотин мажбуриятини ўргатиш лозим, деб ҳисоблайман. Марказ томонидан йигитларни оилага тайёрлаш бўйича махсус ўқув қўлланма яратилмоқда. Шунингдек, армияда хизмат қилаётган ҳамда таълим масканларида ўқиётган йигитлар учун семинарлар ўтказиш режалаштирилган. Анжуман сўнгида мутахассислар журналистларнинг саволларига жавоб берди.

«АЛ-ХОРАЗМИЙ ИЗДОШЛАРИ» ТАНЛОВИ

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Юртимиз умумтаълим мактаблари 10-11-синф ўқувчилари ўртасида математика, физика ҳамда информатика фанлари бўйича «Ал-Хоразмий издошлари» номли танловнинг иккинчи (минтақавий) босқичи бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги маълумотига қўра, уч босқичли ушбу кўрик-танловга апрель ойида старт берилиб, биринчи босқичда 1259 нафар иштирокчи ўз мактабда математика, физика ҳамда информатика фанларидан онлайн усулда имтиҳон топширди. Улардан 346 нафари 80 балдан юқори балл тулаб, танловнинг кейинги босқичига йўланмани қўлга киритган эди.

Жорий йилнинг 18 май куни танловнинг иккинчи (минтақавий) босқичи Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг Самарқанд, Фарғона, Ҳатлон, Қарши ва Нукус филиалларида бўлиб ўтмоқда. Иккинчи босқичда ишти-

рокчилар учала фанга доир жами 9 та топшириқни ечиши керак бўлади. 100 балдан 75 балл тулаганлар сўнги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги “Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида Халқ таълими ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ҳамкорлигида “Ал-Хоразмий издошлари” танлови ilk маротаба ўтказилмоқда.

SENING TENGDOSHING

ИБРАТ ОЛСАНГ АРЗИЙДИ

Диляноза ТОШМУХАММЕДОВА,
Эркин АБДУСАТТОРОВ

Этироф ва рағбат инсонни янги марралар сари етаклайди. Бугун давлат ва жамиятнинг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган, юрт равнақиға муносиб ҳисса қўшаётган ёшлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи илк бор олий таълим муассасаларида тахсил олаётган фаол, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурини эълон қилган. Танловда 14 нафар йигит-қиз галиб бўлди. Улар финал босқичига йўлланма олган 331 нафар номзоднинг энг муносибларидир. Шундай иқтидор соҳибларидан

лар репродуктив саломатлигини яхшилашга қаратилган, — дейди у. — Айни пайтда олийгоҳимиз мутахассис ва талабалари билан биргаликда шифокорлар етишмайдиган олис ҳудудлардаги беморларни бирлашчи тиббий кўриқдан ўтказяпмиз. Шу кунгача Қўшрабат, Пайарик, Жомбой туманларида бўлиб, парваришга муҳтож ҳомиладор аёлларни перинатал марказга келтирдик. Утган йили мен “Гинекологик операцияларни амалга оширишда анестезия хавфини баҳолаш дастури”ни яратдим. Ишланмага Интеллектуал мук агентлиги томонидан гувоҳнома берилган.

Зилоланинг илмий мақолалари хориждаги бир қатор нашрларда эълон қилинган. Ҳозирда у аёлларда рақоли касаллигини эрта аниқлаш ва ташхислашга доир тадқиқот олиб бормоқда.

Ёшлар иттифоқи стипендиясининг яна бир



соҳиби Моҳиғул Шукрובה Тошкент давлат аграр университетда ўқийди. Бу тенгдошимизнинг инновацион лойиҳаси экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. — Бу глобал муаммо, — дейди ёш тадқиқотчи. — Мен уни зараркуналларга қарши физикавий кураш орқали ҳал этишга ҳаракат қилганман. Мазкур лойиҳа

иқтисодий тежамкорлиги ва юқори самарадорлиги билан ажралиб туради. Шу мавзудаги монографияларим АҚШ ва Германияда чоп этилган. Лойиҳа доирасида 5 гектар ер майдонида боғ ташкил қилиб, тажриба ўтказяпман.

Бошқа бир тенгдошимиз Жиззах давлат педагогика институти 3-босқич талабаси Абдулла Шарофуддинов болалигидан кун тартибини тўғри белгилаш, вақтдан унумли фойдаланишни одат қилган. Унинг ҳам танловга тақдим этган лойиҳаси ўзига хос.

— Ҳақ оғзаки ижоди намуналари орқали болалар маънавиятини юксалтириш, уларда китобхонлик маданиятини шакллантириш — бош мақсадим, — дейди А.Шарофуддинов. — Чунки ахборот оқими ортаётган даврда миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини сақлаб қолиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Ҳақ оғзаки ижоди асрлар давомида сайқал топган, синовалдан ўтган бой маънавий меросимиздир. Ундан биздан кейинги авлодлар ҳам баҳраманд бўлса, дейман.



бири Самарқанд тиббиёт институтининг 6-босқич талабаси Зилола Суярова. — Илмий ишим аёл-

SAXOVAT

ИХЧАМ, ФАЙЗЛИ ЎТДИ

Зулфияр МАВЛОНОВА

Қоровулбозор туманидаги “Бахт” тўйхонасида Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан никоҳ тантанаси ҳамда кам таъминланган оила фарзандларидан тўрт нафарининг суннат тўйи ўтказиб берилди. Бобур Тиллаев ҳамда Дилфуза Йўлдошевнинг никоҳ оқшоми ихчам, фақат қула-андалар,

яқин қариндошлар, дўсту биродарлар иштирокида ўтди. Келин-куёвга ташаккурнома ва китоблар жамланмаси тақдим этилди.

Суннат тўйларига ҳам ўзгача файз кирди. Тўйболаларга бошдан-оёқ сарпо, Ёшлар иттифоқи туман кенгашининг совғаси — велосипедлар тўхта қилинди.



Мироншоҳ ЭРКИНОВ

JARAYON

ҲАМЖИҲАТЛИК ПАНД БЕРМАЙДИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси халқ депутатлари Шайхонтоҳур тумани кенгаши депутатлик гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент шаҳар аҳолисининг ташқи меҳнат миграциясини ҳисобга олиш ва тарғибот ишларини йўлга қўйиш бўйича қўшимча чора-тад-

бирлар тўғрисида”ги фармойиши ижроси бўйича туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Г.Бурҳонов, туман ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш

бошқармасининг терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўлими бошлиғи У.Насриддинов ҳамда туман бандликка қумаклашиш маркази бошлиғи К.Саидованинг

ҳисоботи тингланди. Йиғилишда таъкидланганидек, туманда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ташқи меҳнат миграцияси борасидаги билимини мустаҳкамлаш, хорижда чиқиб келган йигит-қизларнинг муаммо ва камчиликларини ўрганиш, шунингдек, уларнинг онгига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш юзасидан маҳалла фуқаролар йиғини, ички ишлар бўлими, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар кўмитаси каби давлат ва жамоат ташкилотлари масъулари иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда. Қолаверса, маҳаллаларда банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.

Йиғилишда ҳар бир депутат ўзи сайланган округда Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли фармойишлари асосида маҳалла фаоллари ҳамда давлат ва нодавлат тузилмалари билан ҳамкорликда тўлақонли фаолият юритиши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, депутатлик гуруҳининг яқин истиқболга мўлжалланган иш режаси таъкидланди.

ИҚТИДОРЛИ YOSHLAR — MAMLAKAT TAYANCHI

ИЛМ ТАЛАБЛИГИ —

Мадинабону ҲАМРОЕВА

Бугунги ёшларга берилаётган имконият ва яратилаётган шароитларни кўриб, ҳавасинг келади. Бундай эътиборга муносиб бўлмаслик уят. Шукрки, юртимизда илм талаб ва интилувчан йигит-қизлар оз эмас.

Улардан бири Нафосат Зарипбоева маърифат чўққиларини забот этмоқда. Тенгдошимиз пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида тахсил олади. Жорий йилда Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Ихтирочи аёллар уюшмаси томонидан республикада илк бор ташкил этилган “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион



лойиҳаси” танловида иштирок этиб, “Уқувчи ва талаба-қизларнинг энг истиқболли инновацион гоёси” номинацияси бўйича галибликни қўлга киритди.

Нафосат ўз лойиҳасида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига хорижий, масалан, инглиз ёки рус тилларини ўқитиш асно-

ЮТУЧИ

таълим-тарбия жараёнида самарадорликка эришишда асқатса, ажаб эмас.

Қаҳрамонимиз болаликдан билимга ташна. Бу сифатни унга ота-онаси юқтирган. Нафосат ёш бўлишига қарамай, Россия, Япония, Хитой, Қозоғистонда ўтказилган бир қанча халқаро танлов ва анжуманларда қатнашиб улгурди. Қолаверса, 2014–2016 йилларда республика миқёсида ўтказилган фан беллашувларида муваффақиятга эришган. 2017 йилда Москва давлат педагогика университетидеда ўтказилган мақолалар танловида ҳам галиб бўлди.

Интиганига толе ёр, дейдилар. Нафосат Зарипбоева олдиға юксак мақсадлар кўриб ўшади. У ҳаракатдан суй тўхтамайди. Шундай ёшларнинг сафи тобора кенгаётгани, шаксиз, Ўзбекистонимиз ютуғидир.

KASB FIDOYILARI

ТАЪЛИМГА БОРЛИГИ БАХШИДА

Феруза МАТНИЯЗОВА,
Урганч шаҳридаги 1-умумтаълим
мактабининг бошланғич синф
ўқувчиси

Мактаб — улғу маскан. Сабаби унда бола илму маърифатга ошно этилади, шахс сифатида тарбияланади, камол топади. Шу кўнра ҳақиқатга таянган ҳолда давлатимиз таълим-тарбия тизимини ислоҳ этиш, хусусан, мактаб таълимини ривожлантиришга юқори эътибор қаратмоқда.

Умумтаълим мактабларимизнинг ҳозирги қиёфаси, инчунин, замон талаблари асосида қуриб, жиҳозланган ўқув бинолари киши ҳавасини келтиради. Буни наинки ўзимиз, балки хорижий юрт вакиллари, эксперт мутахассислар ҳам эътироф этмоқда. Уқитувчи ва мураббийларнинг малакасини ошириш борасида ҳам охириги йилларда юртимизда салмоқли ишлар қилинди. Бундай шароитда кимнинг ҳам яшагиси, меҳнат қилгиси келмайди дейсиз.

Мактабдаги педагоглар жамоаси ишда ўзини қай даражада намоён этиши раҳбарнинг ташкилотчилик салоҳияти, ташаббускорлигига бевосита боғлиқ. Масалан, Урганч шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби эри-

шаётган ютуқларда таълим даргоҳи директори Даврон Каримовнинг беқиёс ҳиссаси бор. У меҳнат фаолиятини Урганч туманидаги 13-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида бошлаган. Кейин турли йилларда вилоят марказидаги 18- ва 5-мактабларда раҳбар лавозимларида ишлади. Мана ўн саккиз йилдирки, 1-умумтаълим мактаб жамоасини намунали даражада сақлаб келмоқда.

Даврон Каримов тарбиялаган шогирдларнинг кўпчилиги етук инсонлар бўлиб етишди. Улар турли соҳаларда ўз ўрнини топиб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Жонқуяр педагог ҳозир ҳам ёшлар таълим-тарбияси учун борлигини бағишлай келаяпти. Мактабда синфдан ташқари машғулларнинг сифатли ўтилишига бош-қош. Бундан ташқари кўлаб тўғрақларни очишда жонбозлик кўрсатган. Яқинда эса, таълим масканида китоб ярмаркасини ташкил этди. Ярмаркада ўқувчи-ешлардан ташқари уларнинг ота-оналари, Ёшлар иттифоқининг шаҳар кенгаши вакиллари ҳам қатнашди.

KREDIT BOR,

ШИ ЖОЙИ ТАЙЁР

Дилқушо НАВРЎЗОВА



Музаффар

Яқинда Ёшлар иттифоқининг Навоий вилояти кенгаши кўмағида олти нафар коллеж битирувчисига тadbirkorлик фаолиятини бошлаш ва кенгайтириш учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Мазкур ташаббус бешта тижорат банки билан ҳамкорликда амалга оширилган.

Ўн тўққиз ёшли Жаҳонгир Салоҳитдинов “Kampana Salohitdin baraka” масъулияти чекланган жамияти раҳбари. Унинг корхонасида мебель ишлаб чиқарилади. Қўшимча куч сифатида яна 12 нафар устани ишга ёллаб, маҳсулотлар тури-

ни кўпайтиришни мақсад қилган. Шу мазмунда бизнес режа тузиб, ёшлар ташкилотига тақдим этди. Савий-ҳаракатлари эътиборсиз қолмади — банк унга имтиёзли шартларда беш юз миллион сўм миқдорда кредит тақдим этишга тайёр.

Яна бир ёш тadbirkor Музаффар Ҳайитбоев эса, энди бемалол компьютер марказини очиши мумкин. Керакли жиҳозлар харид қилиш учун у 100 миллион сўм кредит маблағини қўлга киритди. Мазкур сармоя эвазига тенгдошимиз икки нафар ёшни ҳам иш билан таъминлай олади.



Жаҳонгир

YOSH TADBIRKOR — YURTGA MADDKOR

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

24-25 МАЙ КУНЛАРИ

“КИТОБ БАЙРАМИ” ЎТКАЗИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-3271-сон қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2018 йил 24-25 май кунлари “Китобхонлик маданиятини юксалтириш буюк мақсадларимизга эришишни мўҳим қадамларидир” шiori остида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар мар-

казлари ҳамда Тошкент шаҳрида Республика “Китоб байрами” тadbirlari ўтказилади. Китоб байрамидан қўзланган асосий мақсад — бу китобнинг жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнини янада ошириш, буюк аждоғларимизнинг ёрқин хотирасини, замонамиз қаҳрамонлари тимсолини ҳаққоний ва халқимиз акс эттирувчи адабиётлар салмоғини оширишда адиб ва ноширларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни интеллектуал ривожлантириш, жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада юксалтириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишдир. Икки кун давомида бўлиб ўтadigan тadbir доирасида:

пойтахтимизнинг маркази — Сайилгоҳ кўчасида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида республика нашриётлари томонидан китоб маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилади; “Намунали китоб дўкони” танловининг вилоят босқичи галиблигини тақдирлаш маросими, турли хил сўровнома ва акциялар ўтказилади; “Китоб байрами” кунларида, шунингдек, мушоиралар, адабий учрашувлар, шахмат ва шашка мусобақалари ҳам ташкил қилинади; танқиди санъаткорлар ва ёш истеъод соҳиблари, шунингдек, Республика ёш томошабинлар театри ва Республика кўнграч театрининг ҳамда турли болалар санъат гуруҳларининг

“Китобсеварларни қўтлаймиз!” номли чиқишлари уюштирилади;

“Энг яхши китобхон оила”, “Энг яхши китобхон”, “Ёш китобхон” каби совринли викториналар ва “Китоб ўқишни ёқтирасизми?” мавзуда ижтимоий сўровлар ўтказилади; “Китоб байрами” қатнашчилари ҳисобланган нашриётлар, ижодий уйлар ва матбаа корхоналари ўртасида “Энг фаол иштирокчи” ҳамда “Энг яхши стена” номинацияларида танлов ўтказилади ва галиблар ташкилотчилар томонидан тақдирланади.

Сиз икки кун давомида “Китоб байрами”да бевосита иштирок этишингиз, ноширларимиз томонидан чоп этилган янги китоблар билан танишингиз, ўзингиз ва фарзандларингиз учун турли китобларни харид қилишингиз мумкин.

Барча китобсеварларни Республика “Китоб байрами”га тақлиф этамиз!

Ташкилий қўмита.

YOSHLIK ILHOMI

ПУФАК ОДАМ

Атрофдагиларнинг гапига семирди. Арзимас ютуғидан шизди. Эгасини тепди. Охири, ёриди. Ҳамма ундан қутилади...

ИЛТИМОС

Мен сўнги сўзимни айтяпман. Илтимос, яна гапирай.

Дилобар МАМАТОВА

ДАРА

Қизча: — Ойижон, кўғирчоғим дунёдаги энг қимматимми? Она: — Ҳа қизим, кўйлагинг ҳам шундай. Қизча: — Унда иккаласини сотиб, пулига битта дада олайлик.

ФАҚИР

Аравакаш. Йиғаяпти. Ваҳмага тушган. Юкнинг эгасини йўқотиб қўйибди. Энди нима қилади?..

TOSHOYNA

ОНАНИНГ КЎНГЛИ БОЛАДА (МИ?)



Телефонига тикилганча опам қизалоғига туфли кийди-рарди. Бола уни оёғига илашиб билан улоқтириб юборарди. Бу ҳол бир неча бор такрорланган, онаси юришиб берди. Жиянининг юзига оҳиста шепатлади ҳам. Воқеани кузатиб, опамга: "Бундоқ телефондан бошингизни кутарсангиз-чи! Туфлини тескари кийдиришсиз-ку! Қизингиз шунинг учун қаршилик кўрсатяпти. Ҳаёлингиз жойида эмас. Болага шунчалик этиборсиз бўласизми!" — дедим жабди билан.

Санжар ЭШМУРОДОВ

ётган болакай диққатимни тортди. У бот-бот йиқилиб тушар, йўловчилар эса, ўрнидан тургазиб қўярди. Болакай телефонда валақлашиб кетаётган онасига етиб олишга ҳарчанд уринмасин, эпломмасди. Шунда кимдир: "Синглим, болангизга қарасангиз-чи? Бозор гавжум бўлса, йўқолиб қолиши мумкин!" — дея танбеҳ берди. Телефонни қулоғидан туширмаган аёл, у кишига ўқрайиб қаради-да, ўғлининг қўлидан судрай кетди. Буни кўриб беихтиёр: "Бола кўнгли онада, она кўнгли қаёқда?" — дейсан киши. Мана шундай этиборсизлик оқибатида кўча-кўйда кўнглисиз воқеалар содир бўлмоқда. Наҳотки, аёлларимиз оний лаҳзадаги хатоси туйғайли бутун умр азобда қолишни хоҳласа?!



Шодмонқул САЛОМ

XXI АСРГА АЙТАРИМ

Замин бекор айланмас экан, Вақт фазода фитнес тугади. Юлауларнинг гоҳи гоҳида Ер шарига кўзи тегади.

Йўқ, шунчаки нур сочмас Кўёш, Туткун сингли — Ой тўлмас бекор. Товонимга кирган тиканнинг Юпитерада ҳисоботи бор.

Тили бўлса айтсин денгизлар, Эси бўлса тушсинсиз одам. Юпанч учун келмас қуназулар, Қўрқув учун тугилмас тун ҳам.

Ер дегани кулча нон эмас, Ҳар ит тишлаб қочиб кетгали. Пиёламас, Сомон йўлидан Тош отганда синиб битгали.

Ер — Тангримнинг муҳри бор узук, Муаллақмас, у жуада муқим. Шубҳаланган бориб, уйғотиб, Берунидан сўраши мумкин.

Йўқ, бекорга айланмайди Арз, Ғам, шовлақма мувозанат бор. Фақат қайтиб қўтиларин қарз, Катта, жуада катта ҳисоб бор.

Жуада катта даргоҳ бор — бешак, Жуада улуғ нигоҳни кўрадим. Бобом отган она Мамонтнинг Гуноҳига мен кўрқиб турдим.

Томирдаги қоним кўп қадим, Гарчи кўп бор тир урай риё. Бухорийнинг таҳриридан Қолган сувга юз чайғи, дунё.

Эй, сен, кўкка бир бор боқмаган, Рухи — банди, муараган юрак. Боланг "нон" деб қўл чўзган пайти, Сенга Қуддус нимага керак?!

Панамангни ечгин бошингдан, Мен дўппимни олай кўлимга. Маҳатмани отган қотил ҳам Кимга ўхшар, сенгами, менга?

Бунда чекма — димиқди олам, Рухиятни тутулар кучди. Уйғонолма чирпанар болам, Оёқлари Озонни тешди.

У билмайди, у маъсум гўлак, Олда қанадай қисмат турганин. Метеормас, қотиллар руҳи Ерга тошлар отиб юрганин.

Зерикандан йўл тортмас Кўёш, У ноумид тўкмаётган тер. Мени қувсанг, етолмасин деб, Дили оғриб айланади Ер.

Брунони ўқиб, сўнг унинг Еруғида ўқ йўғун, эй, кин, Шарқ кўтарган машъала томон Етсин дея айланар замин.

Бир қарвонда кетаётимиз, Кетаяпмиз, йўлошим, ишон. Нечун сувуқ зерикшингга Пайгамбарлар бўлсинлар нишон?

Айтмай десам, айтмоқ — менга фарз, Ёзмай десам, юрак тўла шёр. Боққил, қанадай кенгиринг бу олам, Қара қанадай айланади Ер, Бешиқ каби чайқалади Ер.

KITOV JAVONINGIZGA

"САЛОМ, ОҚ КЕМА, БУ МЕН!"

Оттабек ИСРОИЛОВ

Атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовни билмайдиган, жилла қурса, асарларини варақлаб кўрмаган китобхон топилмас керак. Унинг "Оқ кема" қиссаси, айниқса, машҳурдир.



Адиб Мўмин бобонинг набираси, Бекей холининг жияни образида болаларча сакимият ва бегуборликни маҳорат билан кўрсата олган.

Бир қарашда Чингиз Айтматов қиссада уч оиланинг турмуши ҳақида ҳикоя қилгандек. Аслида ёзувчи жамиятдаги кўлаб муаммоларни ўртага ташлаб, одамларга кўзгун тутади. Бу эса, адабнинг муҳир ижодкор эканидан далолатдир.

Бош қаҳрамон мактабга боргунга қадар бобоси билан бирга ўрмонда яшайди. У ерда дўстлари — "туя", "эгар", "бўри", "яшши" ва "ёмон" тошлар билан суҳбатлашар, орзулари билан бўлишарди. Болакай баллиқа айлиниб, Иссиқкўлга сузиб боришни ва оқ кемага қараб: "Салом, оқ кема, бу мен!" — деб ҳайқирибди орзу қилган. Чунки ҳаёлида ўша оқ кемада отаси матрос бўлиб хизмат қилади.

қушини қанда қилмас, мароқ билан дарс тайёрларди. Мўмин бобо доим ўз юмушлари билан банд. Кўп йил фарзанд кўрмай юрган кўеви Ураққул билан қизи Бекей хола кунда-кунора жанжаллашиб оқибатида унинг ҳам ҳаловати йўқолганди.

Мўтолаа давомида уринли савол туғилади: нима учун қиссанинг номи "Оқ кема"? Ахир, унда асосан, экологик муаммолар ва жамиятдаги иллатлар кўрсатиб берилган-ку?! Фикримча, муаллиф ўқувчини бола нигоҳи билан дунёга назар солириб, унинг нақадар губорга тўла эканини кўрсатиб бермоқчи.

Адиб бу дунёнинг оқ кемадек пок ва тўқис бўлишини хоҳлайди. Хулоса қилиб айтганда, "Оқ кема" китоб жавонингиз туридан ўрин эгаллаша муносиб асардир. Уни албатта ўқиб чиқинг.

"Trade Consult Service" масъулияти чекланган жамияти

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибига ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

Аукцион савдоси 2018 йил 20 июнь куни соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Телекоммуникация транспорт тармоғи филиали балансидаги қуйидаги автомобиллар сотувга қўйилмоқда:

- 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/204UBA бўлган "Эпика". Бошланғич баҳоси — 64 128 000 сўм.
• 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/737JBA бўлган "Тойота Ленд Крузер". Бошланғич баҳоси — 61 929 000 сўм.
• 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30/317HAA бўлган "Ниссан". Бошланғич баҳоси — 47 929 000 сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2018 йил 20 июнь куни сотилмай қолган тақдирда, такорий аукцион савдосида қўйиладиган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) иш куни олдин соат 15:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Заказат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 30 (тўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда заказат пулини «Trade Consult Service» МЧЖнинг АКБ "Туронбанк" Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 304454706,

20208000800701688001 ҳисоб рақамига тўлашни ҳамда қуйидаги ҳужжатларни топширишни керак: аукцион савдосида қўйиладиган шартларни тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда заказат пули тўлагани ҳақидаги тўлов ҳужжати.

Қўшимча маълумотларни Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2 кўчаси, 69-уй манзилида ёки +998 95 169 55 50 телефон рақами орқали олиш мумкин. Гувоҳнома № 011315.

DILDAGI GAPLAR

БИР САВОБИНГИЗ — ЮЗ САВОБ

Насиба АБДУЛЛАЕВА

Бугунги кунда юртимиз телеканаллари орқали томошабинларга хилма-хил, қизиқарли кўрсатувлар тақдим этилаётгани кувончли, албатта. Бунинг ортида ўнлаб инсонларнинг заҳматли меҳнати ётади.

Кўрсатувлардан бирида бошловчилик қилган икки қизиқчи руҳий салҳонадаги беомурларни мазас қилиб, бу ҳам етмаганидек, кекса аёллар, ёш болалар ўтирган залда беаманг латифалар билан одамларни кудририша уринди. Бундан гоят нафратландим. Ҳаёлимда

болалик хотиралари жонланди. Кўз ўнгимда бир кунда уйдан уч тобут кўтарилган ғамбода Жамила хола гавваланди.

Рухий хаста бу аёлни қишлоғимизда ҳамма Жамила жалоли дедди. Аёл эртдан кечгача кўчада юрар, ундан на саратоннинг иссиғи, на қаҳратоннинг совуғи ўтарди. Эгидан титилиб кетган пахталик камзул, ранги унқиб кетган кримплен кўйлаги тушмасди. Жамила хола ўзига-ўзи гапирар, унинг сўзларини тушуниш қийин эди. Бола бўлсам ҳам шу кампирга раҳим қилиб, яшшлик иллардим, лекин рўпара келишга кўрқардим...

Онамдан у ҳақида сўраганимда, Жамила холининг эри ва икки ўғли автоҳалокат туйғайли бир кунда вафот этгани, аёл эса, ғамга чиқмаган ақиддан айрилганини айтиб берганди. Хеч кимга зарари тегмайдиган бу

шўрлик бевага баъзилар кулиб, баъзилар ачиниб қарарди...

Жисмоний имконияти чекланган, руҳий хаста, нутқий қийинчилиги бор инсонлар ҳаётнинг аччиқ қисматига рўбарў келган. Уларга давлатимиз ҳар томонлама мадад кўрсатиб келмоқда. Аксарияти ҳамма қатори элга хизмат қилмоқда.

Эртанги кунимиз қанадай бўлиши фақат Яратганга аён. Ҳатто бир сониядан кейин нима бўлишимизни билмаймиз. Хаста одамлар устидан кулиш — мусулмон кишининг иши эмас. Бундан кўпчилик ғазабланиши турган гап. Ахир, "Чинор остидаги дуэль" фильми қаҳрамони Нортой отасини "чўлоқ" дегани учун "валламаст" ферма мудирини курашга чақириб, мулзам қилганидан қанчалар кувонганимиз. Халқимизда "Тўрт мучанг соғ бўлсин" ибораси бекорга айтилмаган.

Юртимизга меҳр ва мурувват оий бўлиш — Рамазон таширф бурди. Имконингиз етганича эҳтиёжманд инсонларга ҳам маънан, ҳам моддий қўмак беринг. Чунки бу ойда қилган бир савобингиз ҳаққингиз юз савоб бўлиб ёзилади.

МЕНИНГ ФИКРИМ

Мирзо Улуғбек МАДАЛИМОВ

АВТОБУСГА ЧИҚИШДАН КЎРҚАМАН



Автобус бир силкини-ю, юрагим "шув" этди. Қарасам, бошқа йўловчиларнинг ҳам қапагаги учган. Баъзилари аччиқланиб: "Ўтин олиб кетмайсиз-ку, эҳтиётроқ бўсанг-чи!" — дея ҳайловчинини койиди. Унинг бўлса парвойи фақат, телефон мулоқотидан бўшайди.

Жамоатчилик транспортлари одамлар оғирини енгил, узогини яқин қилади. Айниқса, махсус мобил илова орқали автобуслар ҳаракатини кузатиш имкониятининг яратилганидан аҳоли мамнун. Автобусларнинг Wi-Fi тармоғига улангани, видеомониторлар билан таъминлангани ҳам ижобий ҳолат. Ойнаванд бекатларда-ку, ўзингизни худди уйда

ўтиргандек ҳис қиласиз. Аммо сўзимиз аввалида келтирилган ҳолат кишини ҳайқитириб қўяди. Бир-бири билан узлуксиз алоқа қилиб турадиган ҳайдовчилар асосий ишидан чалғиши табиий. Бошқа йўналишдаги автобуслар мижозини олиб қўйишдан хавотирланиб, улар йўл қомадаларини

бузишга ҳам тайёр. Бу билан нафақат ўзи, балки ўнлаб одамларнинг жонини хатарга қўётгани ҳақида эса, ўйламайди. Шундайлар ҳам борки, салонда одамлар ўтирганига қарамай, қўлоқ, ҳақоратли сўзларни айтиб, балана овозда сўхбатлашиб кетаверади. Хуш, бу каби хунук ҳолатларни бар-тароф этиш учун нима қилиш керак?

Фикримча, автомактабларда ҳайдовчилик маданиятини ўргатиш, автобус саройларинда мижоз билан қанадай муоамала қилиш борасида махсус дарслар ташкил этиш зарур. Алоҳида машғулотлар чиптачиларга ҳам ўтиса, фойдадан холи бўлмайди. Токи, улар хизмат вазифаси фақат пул йиғиб олишдан иборат эмаслигини ўқиб олсин.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙБАТИ
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович
Навбатчи
Нозима Мииссарова

"YOSHLAR OVOZI"дан материалларни кўчириб босиб таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.
Буюртма Ғ-536
Адади — 22176
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.52
ЎзА янгуни — 00.10